

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АХМЕДОВ ҲАМРОБЕК ЭРКИНОВИЧ

**МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАРГА ОИД
ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.14 – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини
таъминлаш. Пробация фаолияти**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Ҳамробек Эркинович

Маъмурий назорат остидаги шахсларга оид профилактик
чора-тадбирларни такомиллаштириш..... 3

Ахмедов Ҳамробек Эркинович

Совершенствование профилактических мер за лицами находящимся
под административным надзором..... 27

Akhmedov Khamrobek Erkinovich

Improving preventive work for persons under administrative control..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АХМЕДОВ ХАМРОБЕК ЭРКИНОВИЧ

**МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАРГА ОИД
ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.14 – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини
таъминлаш. Пробация фаолияти**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Үу381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://akadmvd.uz>) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юлдашев Джахонгир Хайитович юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Отажонов Абдоржон Анварович юримдик фанлар доктори, профессор Ўразалиев Мурод Қораевич юримдик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үу.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 26 февраль куни соат 14:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52/ (71) 265-17-53; e-mail: info@akad.mvd.uz).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1175-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (71) 265-22-52.


Диссертация автореферати 2022 йил 14 февраль куни тарқатилди.

(2022 йил 14 февралдаги 4-рақамли реестр баённомаси).




А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор


Б.Б. Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юримдик фанлар доктори, профессор


М.З. Зиёдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати, жумладан рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш глобал аҳамият касб этиб, айниқса рецидив жиноятчилик миқдорини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё ҳамжамияти постпенитенциар қонун ҳужжатларини ислоҳ этишнинг замонавий халқаро стандартлари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишга интиломоқда. Халқаро жазони ижро этиш муассаларини ўрганиш маркази маълумотларига кўра, 2021 йил 1 февраль ҳолатига дунёнинг 223 та давлатида 10 млн 862 минг 874 нафар маҳкум бўлиб¹, уларнинг аксарияти АҚШ, Хитой, Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Тайланд ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, маҳкумларни ахлоқан тарбиялаш, уларни жазони ўташ вақтида ва ўтаб бўлганидан кейин жамиятга мослаштириш бўйича самарали чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда.

Жаҳонда превентив назорат тизимини такомиллаштириш, жумладан назорат остидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш, уларга нисбатан белгиланган чекловларни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш, постпенитенциар тизимда ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, илгари судланган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишини олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатишнинг тартиби ва асосларини белгиловчи халқаро стандартлар ва минимал қоидаларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган илмий-амалий ва фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноят-ижроия ва постпенитенциар тизимни тубдан ислоҳ этиш, бу борадаги миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қабул қилинган ҳужжатларда маъмурий назорат остидаги шахсларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларни келгусида ижтимоий мослаштириш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф ва самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги узвий ҳамкорлигини таъминлаш каби долзарб вазифалар белгилангани², шунингдек назорат остидаги шахслар томонидан жиноят содир этиш кўрсаткичлари ортиб, илгари судланган шахслар томонидан содир этилган умумий жиноятчиликнинг 2016 йилда 4,9 фоизини, 2017 йилда 5,9 фоизини, 2018 йилда 12,4 фоизини, 2019 йилда 10,7 фоизини, 2020 йилда 7,9 фоизини, 2021 йилда 6,3 фоизини ташкил этгани³, ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш зарурати мавжудлигини тасдиқлайди.

¹ https://www.prisonstudies.org/highest-to-lowest/prison-population-total?field_region_taxonomy_tid=All (мурожаат вақти: 22.03.2021).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/4045443> (мурожаат вақти: 11.01.2021).

³ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2016–2020 йиллардаги фаолиятига доир статистик маълумотлар таҳлили асосида берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (2014), “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017) қарорлари, “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги (2019) фармони ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда жинойтчилик, хусусан вояга етмаганлар (ёшлар) ва аёллар жинойтчилигини олдини олишнинг айрим жиҳатлари, рецидив ва уюшган жинойтчиликка қарши кураш муаммолари, шунингдек алоҳида турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасига доир умумий масалалар Қ.Р. Абдурасулова, Б.А. Арифджанов, З.А. Амиров, Г.Ў. Ахмедова, А.Г. Закирова, З.С. Зарипов, М.З. Зиёдуллаев, И. Исмаилов, Н.Т. Исмоилов, Р. Кабулов, Й. Каракетов, Ж.С. Мухторов, Ж.А. Неъматов, С.С. Ниёзова, М.Х. Рустамбаев, Қ.А. Саиткулов, Н.С. Салаев, А.С. Турсунов, С.Б. Хужакулов, М.Қ. Ўразалиев, Дж.Х. Юлдашев, Ш.Р. Ғофуровлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, мамлакатимизда амалда бўлган қонунчилик асосида У. Таджиханов томонидан “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан милициянинг маъмурий назорати” мавзусида (1978 й.), М. Усманиев томонидан “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар томонидан маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик (Ўзбекистон ССР материаллари бўйича) мавзусида (1983 й.) номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик ишларни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари юзасидан А.О. Астахова, М.И. Барничева, Ш.Х. Иногамов, Д.В. Кураков, А.В. Мартынов, Т.Г. Понятовская, Н.В. Темнокова, П.В. Тепляшин, Д.Н. Сергеев, О.В. Филимонова, А.П. Фильченко каби хориж олимлари илмий изланишлар олиб борган¹.

Мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилган ислохотлар натижалари, амалдаги норматив база ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

олган ҳолда маъмурий назорат остидаги шахсларга оид профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш масалалари махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг 107-банди доирасида бажарилган (2020-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб борадиган профилактик чора-тадбирлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маъмурий назорат институтининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ўрганиш орқали унинг белгилари ва ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

маъмурий назоратнинг турлари ва тавсифини тадқиқ этиш, маъмурий назорат остидаги шахслар билан амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини асослаш;

маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг турлари, асосий йўналишлари ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб бериш;

маъмурий назорат остидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилиш ҳолатларини ўрганиш асосида уларга жазо ва бошқа тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муаммолар ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш орқали уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

айрим хорижий давлатлар полиция хизматларининг превентив (маъмурий) назорат остидаги шахслар билан ишлаш бўйича тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва миллий тизимга татбиқ этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахсларга нисбатан профилактик чора-тадбирларни қўллашга доир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқот предмети ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб борадиган профилактик чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш соҳасидаги муаммолар, ушбу соҳани тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар

тажрибаси, илмий-назарий қарашлар ва методологик-услубий ёндашувлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (кейинги ўринларда ЖК) кўра оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахсларни маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар тоифасига киритиш зарурати асосланган;

маъмурий назорат ўрнатиш вақтида белгиланадиган маъмурий чекловлар қаторига алкоғолли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлашни киритиш зарурлиги исботланган;

фуқаронинг хорижга чиқиш ҳуқуқини чеклаш асослари қаторига маъмурий назоратнинг ўрнатилишини киритиш маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асослантирилган;

туман, шаҳар марказидан 10 км дан узоқ масофада яшаётган шахсларни маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида қайддан ўтказиш асосида назорат қилиш тартибини жорий этиш маъмурий назорат остидаги шахсларнинг ортиқча оворагарчилигининг олди олинишига ва сарф-харажатларининг тежалишига сабаб бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган айрим тоифа шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назорат” ва “маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар” тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг турлари, мақсади, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти асослаб берилган;

маъмурий назорат ва маъмурий чекловларнинг моҳияти, турлари ва ўзига хос хусусиятлари, назорат остидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш, уларга нисбатан белгиланган чекловларни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш зарурати асосланган;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, қонунни қўллаш амалиётининг ижобий тажрибалари, соҳага доир олти йиллик (2016–2021 йиллар) эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, 87 та маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги

суд қарорлари, 200 га яқин жиноят ишларини ўрганиш, 237 нафар мутахассис ходимлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали исботланган бўлиб, ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи хорижий ҳамда миллий нашрларда эълон қилинган, олинган натижалар эса, ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* ундаги хулоса ва тавсиялардан маъмурий назорат институтига оид методологик қарашлар ҳамда маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг назарий асосларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* шундаки, улар натижасида шакллантирилган таклиф ва тавсиялардан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан ўрнатилган маъмурий назорат билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳамда маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиловчи қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маъмурий назорат остидаги шахсларга оид профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ЖКГа кўра оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахсларни маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар тоифасига киритишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонунининг 6-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 5 июндаги 06/1-10/324-3024-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқнинг бартараф этилишига ҳамда маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар тоифасининг тўлдирилишига хизмат қилган;

алкоголли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлашни маъмурий назорат ўрнатиш вақтида белгиланадиган маъмурий чекловлар қаторига киритишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонунининг 7-моддаси биринчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 5 июндаги 06/1-10/324-3024-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши маъмурий назорат остидаги шахсларга профилактик таъсир кўрсатиш тизимининг роли ва аҳамиятини янада оширишга ҳамда қонунчиликда

назарда тутилган маъмурий чекловлар рўйхатининг тўлдирилишига хизмат қилган;

маъмурий назоратнинг ўрнатилишини фуқаронинг хорижга чиқиш ҳуқуқини чеклаш асослари қаторига киритишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3-боби 39-банди “б” кичик бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 17 майдаги 22/13209-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши қонунчиликда маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик чора-тадбирларни олиб бориш имкониятларини кафолатлашга хизмат қилган;

туман, шаҳар марказидан 10 км дан узоқ масофада яшаётган шахсларни маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида қайддан ўтказиш асосида назорат қилиш тартибини жорий этишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил 8 августдаги 255-сон буйруғи билан тасдиқланган Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифа шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва амалга ошириш борасида иш ҳужжатлари ва уларни юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 6-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 15 майдаги 26/1608-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга, уларни назорат қилишнинг қулай ва мақбул тизими яратилишига, назорат остидаги шахсларнинг ортиқча оворагарчилиги олди олинишига ҳамда йўл ҳақи билан боғлиқ сарф-харажатларининг тежалишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 2 та халқаро, 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та (шундан 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 147 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Маъмурий назорат институтининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида маъмурий назорат институтининг мазмун-моҳияти, турлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган айрим тоифа шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратнинг ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи **“Маъмурий назоратнинг шаклланиши, турлари ва ўзига хос хусусиятлари”**ни ёритишга бағишланган бўлиб, унда муаллиф томонидан маъмурий назорат ва унга доир тартиботларнинг пайдо бўлиши, маъмурий назоратнинг институт сифатида шаклланиши, маъмурий назоратни амалга оширувчи органларнинг ваколатлари ва функциялари, маъмурий чекловларнинг турлари ва хусусиятлари, шунингдек амалда бўлган қонун нормаларининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Диссертант томонидан маъмурий назорат институтининг шаклланиши ва ривожини қуйидаги тўрт асосий босқичга ажратилган ҳолда ўрганилган:

биринчи босқич – ислом динининг кириб келишидан то чор Россияси босқинигача (эрамизнинг VII–VIII асрларидан XIX асрнинг охирига қадар) бўлган даврни ўз ичига олиб, назорат тизимига оид илк тартиботлар одат ҳуқуқи, “Авесто” ҳамда “Қуръони карим” қоидалари асосида тартибга солинган;

иккинчи босқич – чор Россияси мустамлакачилиги даври (1874–1917 йиллар). Бу даврда жиноят содир этган шахсларни назорат қилиш тартиботлари амирлик ва хонликларнинг фармонлари ва чор Россиясининг қонунчилиги билан белгиланган;

учинчи босқич – собиқ Иттифоқ тузуми даври (1917–1991 йиллар)ни ўз ичига олиб, бу даврда маъмурий назоратни таъминлашда собиқ Иттифоқ Конституцияси (қонунлари) ва СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 26 июлдаги 5364-VI-сон қарори билан тасдиқланган “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан милиция органларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Низом асосий ўрин тутган;

тўртинчи босқич – Ўзбекистон Республикаси мустақиллик (1991 йилдан ҳозирга қадар) даврини қамраб олиб, қабул қилинган қонун ҳужжатларида асосий эътибор маъмурий назоратнинг шахс ҳуқуқларини чекловчи воситаларини минималлаштиришга, унинг тарбиявий-профилактик таъсирини

оширишга ҳамда шахсни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш масалаларига қаратилган.

Давлат бошқаруви усуллари даврлар ўзгариши билан янгиланиб бориши натижасида жамият аъзоларининг юриш-туриш қоидалари ҳам даврга мослаштирилган. Бу эса ўз навбатида, айрим тоифа шахслар устидан маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш тартиб-қоидаларининг тегишли равишда ўзгариб боришига сабаб бўлган.

Тадқиқотчининг фикрича, совет Иттифоқи давридаги жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратнинг ўзига хос хусусияти бу борадаги ваколатларнинг ички ишлар органлари ихтиёрига тўлиқ берилганлиги билан ажралиб туради.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги 750-ХП-сон қонунининг қабул қилиниши натижасида маъмурий назорат тартиб-таомилларида бўлган жиддий ўзгаришларни асослашга ҳаракат қилган.

Унинг фикрига кўра, юқоридаги қоидага асосан мамлакатимизда маъмурий назоратнинг шахс ҳуқуқларини чекловчи воситаларининг минималлаштирилишига эришилиб, унинг тарбиявий-профилактик ҳамда шахсни ижтимоий мослаштиришга қаратилган ҳуқуқий механизмлари яратилган. Муаллиф томонидан қуйидаги омиллар: 1) маъмурий чекловларни белгилаш ва ўзгартириш ваколатининг суд органларига ўтказилганлиги; 2) устидан маъмурий назорат ўрнатилиши лозим бўлган шахслар тоифасининг кенгайтирилганлиги; 3) маъмурий чекловларни қўллаш тартиби ва шартларининг инсонпарварлик мезонлари асосида кўриб чиқилганлиги ушбу институтнинг келгуси ривожланиш тенденциясини белгилаб берганлиги.

Диссертант маъмурий назорат институтининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда, аввало, унинг моҳияти ва турларига ойдинлик киритиш заруратини асослаб берган, муаллиф томонидан маъмурий назоратнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган қуйидаги икки асосий ёндашув: 1) маъмурий назоратни маъмурий мажбурлов тури сифатида эътироф этиш ҳамда унинг моҳияти ва таркибини маъмурий ҳуқуқнинг предмети сифатида; 2) маъмурий назоратни ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида шахсга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишнинг жиноят-ҳуқуқий муносабатлар элементи эканлиги таҳлил қилинган.

Муаллиф М.И. Барничева, Х.Х. Бахрамов, Ш.Х. Иногамов, А.В. Мартинов, Т.Г. Понятовская, Д.Н. Сергеев, П.В. Тепляшин, О.В. Филимонова, А.П. Фильченко, Э. Ҳожиев каби олимларнинг қарашларини ўрганиш асосида ушбу масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилган. Жумладан, унинг фикрига кўра, маъмурий назоратни маъмурий, жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи, яъни комплекс ҳуқуқ тармоқлари кесишувида амал қиладиган институт деб баҳолаш тўғри бўлади.

Диссертант ўз фикрини: 1) маъмурий назорат маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга асосланади, яъни бу жараёнда юзага келадиган муносабатлар (маъмурий назоратни ўрнатиш, чекловларни ўзгартириш ёки бекор қилиш каби) маъмурий ва суд тартибида ҳал этилади; 2) рецидив жиноятчиликнинг

якка тартибдаги профилактик ва жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахсларни ижтимоий мослаштириш чораси ҳисобланади ҳамда судланганлик муддати доирасида амал қилади; 3) маъмурий назорат фақатгина жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш айрим тоифа шахсларга нисбатан ўрнатилиши мумкин; 4) маъмурий назоратни маълум бир шахсга нисбатан ўрнатиш имконияти содир этилган қилмишнинг тури ва ижтимоий хавфлилик даражасига, такрорийлик мавжудлигига, шахснинг жазони ўташ давридаги ёки ўтаб бўлганидан кейинги ҳуқуқ-атвориغا боғлиқ бўлади деб, асослаган.

Тадқиқотчи маъмурий назорат институтини назарий жиҳатдан икки гуруҳга: “*умумий маъмурий назорат*” ва “*махсус маъмурий назорат*”га ажратиш тўғрилигини эътироф этган ҳолда: 1) қонунда белгиланган алоҳида тоифа шахсларга нисбатан ўрнатилиши (уни кенгайтириб талқин қилиб бўлмайди); 2) назорат остидаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муайян вақтга чеклаш хусусиятига эга эканлиги; 3) уни ўрнатиш ва бекор қилиш қатъий белгиланган процессуал тартибда амалга оширилиши жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш айрим тоифадаги шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратнинг фарқловчи хусусиятлари (белгилари) эканлигини исботлаган.

Диссертациянинг биринчи боби иккинчи параграфи маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган бўлиб, унда маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар тушунчаси, турлари, ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти очиқ берилган.

Тадқиқотчи маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг аҳамиятини асослашда мавжуд жиноятчилик статистикасига таяниб, ишда умумий жиноятчилик улушида рецидив (такрорий) жиноятчиликнинг ҳиссаси ошиб бораётганлигини таъкидлайди. Жиноят содир этган шахсларнинг 2016 йилда – 10,7 фоизини, 2017 йилда – 11,5 фоизини, 2018 йилда – 9,8 фоизини, 2019 йилда – 9,0 фоизини, 2020 йилда – 9,1 фоизини, 2021 йилда – 9,4 фоизини илгари судланган шахслар ташкил этаётганлиги олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш зарурати мавжудлигидан далолат беришини кўрсатган.

Диссертантнинг фикрича жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш айрим тоифа шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратнинг ўзига хос (профилактик) хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбири ҳисобланган ҳолда, назорат остидаги шахсларга нисбатан профилактик суҳбат, расмий огоҳлантириш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш каби ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги бошқа профилактик чора-тадбирлари қўлланилишини ҳам тақозо этади;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари профилактик таъсир остига тушувчи ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлса, маъмурий назорат чоралари айнан назоратга олинган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Муаллиф ишда Қ.Р. Абдурасулова, И. Исмаилов, А.К. Расулев, Н.С. Салаев, И.Ю. Фозилов, С.Б. Хужакулов, Ш.Р. Ғофуровнинг нуқтаи назарларини ўрганиш асосида маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг моҳиятини очиб беришга, уларнинг доирасини белгилашга ҳаракат қилган.

Унинг фикрича, маъмурий назорат остидаги шахслар билан яқка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, маънавий-ахлоқий ва бошқа (психологик, тиббий, педагогик, тарбиявий, иқтисодий, ахборот, махсус ва ҳ.к.) чора-тадбирлари олиб борилади. Мазкур чора-тадбирларнинг умумий (ягона) мақсадга йўналтирилиб, мантикий кетма-кетликда тизимлаштирилган ҳолда қўлланилиши тақозо этилади.

Диссертант маъмурий назорат остидаги шахсларга нисбатан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни қўллашда дастлаб мазкур чораларнинг қай бири самаралироқ эканлигини аниқлаб олиш зарур деб ҳисоблайди. Шу боис мазкур масала юзасидан амалиётчиларнинг фикрини ўрганишга ҳаракат қилиб, ўтказилган социологик сўровда, иштирок этган респондентларга *“Маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қайси чора-тадбирларини самаралироқ (муҳимроқ) деб ҳисоблайсиз?”* деган савол билан мурожаат қилганда, сўровда катнашганларнинг 59,5 фоизи – ижтимоий чора-тадбирлар, 41,2 фоизи – ташкилий чора-тадбирлар, 15,6 фоизи – ҳуқуқий чора-тадбирлар, 9,7 фоизи – маънавий-ахлоқий чора-тадбирлар, 11,7 фоизи – бошқа турдаги чора-тадбирлар деб ҳисоблашган.

Шу боис тадқиқотчи маъмурий назорат остидаги шахсларга нисбатан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар жараёнида асосий эътибор уларни жамиятдан ажратишга эмас, балки жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашишга, бу жараёнда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларининг устуворлигини таъминлашга қаратилмоғи лозим, деган ҳулосага келган.

Диссертациянинг **“Маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари”** деб номланган иккинчи бобида жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган айрим тоифадаги шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратнинг ҳуқуқий асослари ва ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик фаолиятида ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган айрим тоифа шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратнинг ҳуқуқий асослари таҳлилига бағишланган бўлиб, ички ишлар органларининг назорат остидаги шахслар билан олиб борадиган профилактик фаолияти ҳуқуқий тартибга солинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар *юридик кучи бўйича*: а) қонун ҳужжатлари; б) қонуности ҳужжатларига ажратилган; *мазмунига кўра*: а) маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш асослари, шартлари ва тартибини, назорат остидаги шахслар ва бу борадаги ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи; б) назорат остидаги шахсларнинг хулқ-атворини, муайян ҳаракатларни амалга оширишда

ўрнатилган тақиқлар ва уларни бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи нормаларга ажратилиб таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилган жазо чораларининг таъсири паст эканлиги ҳамда жарима билан бир қаторда бошқа муқобил жазо чораларининг белгиланмаганлиги натижасида маъмурий назорат қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг улуши ортиб бораётганлиги статистик маълумотлар билан асосланган. Хусусан, 2016 йилда – 1642 та, 2017 йилда – 1808 та, 2018 йилда – 3414 та, 2019 йилда – 3972 та, 2020 йилда – 5116 та, 2021 йилда – 4819 та мазкур турдаги ҳуқуқбузарлик факти аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда МЖтК)нинг маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик ишларни ташкил этиш ҳамда улар томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олишдаги аҳамияти очиқ берилган. Жумладан, кодекснинг 205 ва 206-моддалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, шунингдек амалиёт материалларини ўрганиш асосида маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун унинг 206-моддаси санкциясида жарима билан бир қаторда, 15 суткагача маъмурий қамокни ҳам назарда тутиш лозим, деган хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги “асос (таянч)” қонун ҳужжати эканлигини, маъмурий назорат институти ҳуқуқий мақомини, шунингдек ички ишлар органларининг яқка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини белгилаб берганлигини инобатга олиб, унинг 10-моддасида “жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назоратни амалга ошириш ва назорат остидаги шахслар билан профилактик-тарбиявий ишларни олиб бориш”ни ички ишлар органлари ваколат доирасига киритиш зарурати асосланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонунида йил давомида такроран содир этилиши маъмурий назорат ўрнатиш учун асос бўлувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар доирасининг аниқ белгиланмаганлиги амалиётда “*жамоат тартибини мунтазам бузиш*” ҳолатини тўғри, аниқ ва бир хилда талқин этиш имконини бермаслиги ҳамда қилмишга ҳуқуқий баҳо беришда мураккабликни юзага келтириши асосланган.

Тадқиқотчи айб шакли (қасд ёки эҳтиётсизлик)дан қатъий назар ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарликнинг такроран содир этилиши маъмурий назорат ўрнатиш учун асос бўлишини белгиловчи бу ҳолатни *бир томондан*, назорат ўрнатиш асосларининг кенгайтириб талқин этилишига, *иккинчи*

тарafdан, шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайди. Шу боис бу борада илғор тажрибага эга давлатлар: Россия, Қозоғистон, Молдова қонунчилигини ўрганиш асосида маъмурий назоратни ўрнатиш шарти сифатида: МЖТКнинг 40, 41, 47, 52, 54, 56¹, 61, 62, 69, 84, 90, 106, 122, 123, 129, 130, 131, 132, 135, 137, 138, 161, 170, 171, 183, 184², 184³, 185, 185¹, 186, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 192, 194, 195, 195¹, 196¹, 198, 201¹, 204, 205, 211, 241-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни йил давомида икки ёки ундан ортиқ марта содир этганликни белгилаш заруратини асослаган.

Шунингдек муаллиф томонидан маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг таъсири ва аҳамиятини ошириш, назорат остидаги алоҳида тоифа шахслар томонидан тақроран жиноят содир этилишининг олдини олиш ҳамда судлар томонидан маъмурий чекловларни ихтиёрий (содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва жиноят субъектининг шахсини ҳисобга олмаган ҳолда) қўллаш ҳолатларини олдини олиш мақсадида мажбурий тартибда ўрнатилиши шарт бўлган чекловлар рўйхатининг қонунда аниқ белгиланиши лозимлиги асосланган.

Диссертацияда маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун шахсни жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи қонун нормаларини ҳам такомиллаштириш зарурати, жумладан, қилмишни ЖК 226-моддаси 2-қисми “б” банди билан квалификация қилишда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш вақтида маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг ўз яшаш жойига белгиланган муддатда етиб келмаганлиги сабабларини “узрли” деб баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш, бундай сабаблар рўйхатини қонунда аниқ белгилаш лозимлиги бўйича хулосага келинган, бу борада тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ишда маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган жазо ва жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг етарли даражада эмаслиги ҳамда мазкур ҳолат ҳуқуқбузарликлар профилактикасига салбий таъсир кўрсатаётганлиги статистик маълумотларга таяниб, асосланган. Хусусан, ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят ишларининг сони 2019 йилда – 141, 2020 йилда – 154, 2021 йилда – 579 тани ташкил этган бўлса-да, мазкур модданинг 1-қисми билан бирорта жиноят иши қўзғатилмаган. Бу эса, мазкур норманинг амалда ишламаётганлигидан далолат беради. Шу боис муаллиф ЖКнинг 226-моддаси 1-қисмини чиқариш, МЖТКнинг 206-моддаси санкциясини кучайтириш лозим, деган хулосага келган.

Диссертант томонидан олиб борилган изланишлар натижасида маъмурий назоратни узайтириш асослари ҳам қонунчиликда тўлиқ очиқ берилмаганлиги назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг натижаларига салбий таъсир кўрсатаётганлиги асосланган. Жумладан, маъмурий назорат остидаги шахслар томонидан жиноят содир этилганлиги учун уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг тайинланиши маъмурий назоратни юритишга (давом

эттиришга) қандай таъсир этиши мумкинлиги қонунда ҳал этиб берилмаганлиги амалиёт мутахассислари билан ўтказилган социологик сўров натижалари асосида ҳам исботлаб берилган. Хусусан, респондентларга “*Маъмурий назорат остида бўлиб, жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари) тайинланган шахсларга нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтириш тартибининг киритилишига нисбатан фикрингиз?*” деган савол билан мурожаат қилинганда, уларнинг 78,4 фоизи билдирилган таклифни маъқуллаганлар.

Диссертациянинг иккинчи боби иккинчи параграфи ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик фаолиятида бандлик ва меҳнат муносабатлари, соғлиқни сақлаш, суд, прокуратура ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда мазкур соҳадаги ҳамкорликнинг мақсади, мазмун-моҳияти, доираси ва бу борадаги ваколатли субъектлар тизими, шунингдек ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари таҳлил қилинган.

Жумладан, ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб борадиган профилактик фаолиятида соҳавий хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда: *биринчидан*, ҳамкорликдаги чора-тадбирлар доираси; *иккинчидан*, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; *учинчидан*, ҳамкорликдаги ишларни мувофиқлаштириш тартиби аниқ белгилаб берилиши лозимлиги асосланган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 28 августдаги 255-сон буйруғи билан тасдиқланган “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва амалга ошириш борасида иш ҳужжатлари ва уларни юритиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага юқоридаги масалаларни тартибга солувчи алоҳида бўлим киритиш таклиф этилган.

Диссертацияда ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини мақсади ва мазмун-моҳиятига кўра қуйидаги:

1) *маъмурий назорат остидаги шахслар билан тарбиявий-профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган;*

2) *маъмурий назоратга олинган шахсларга ижтимоий-маиший ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган;*

3) *маъмурий назорат остидаги шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш йўналишларига ажратиш лозим деган хулосага келинган.*

Муаллиф маъмурий назорат остидаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда ижтимоий мослаштиришда ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам

муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаб, диссертацияда мазкур масала амалиёт ходимлари фикри билан исботланган.

Хусусан, социологик сўровномадаги “Сизнингча, маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлашда ички ишлар органлари қайси субъектлар билан кўпроқ ҳамкорлик қилиши лозим?” деган саволга, респондентларнинг 47,2 фоизи – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан, 19,4 фоизи – аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан, 15,1 фоизи – маҳаллий ҳокимият органлари билан, 13,3 фоизи – соғлиқни сақлаш органлари билан, 3,6 фоизи – суд органлари билан, 1,3 фоизи – прокуратура органлари билан, 0,4 фоизи – бошқа субъектлар билан деб жавоб берган.

Диссертант тадқиқот жараёнида маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар ичида ижтимоий муаммолар асосий ўринни эгаллашини қайд этиб, буни қуйидаги статистик маълумотлар билан асослаган. Яъни, маъмурий назорат остидаги шахслар ўртасида ишламайдиган, бирор бир меҳнат билан банд бўлмаган шахсларнинг улуши 2016 йилда – 87,8 фоизни, 2017 йилда – 68,0 фоизни, 2018 йилда – 71,5 фоизни, 2019 йилда – 29,6 фоизни, 2020 йилда – 26,5 фоизни, 2021 йилда эса, – 32,8 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, диссертацияда маъмурий назорат остидаги шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам бирмунча камайиб бораётганлигига эътибор қаратилиб, бу борадаги ишларни мунтазам ва манзилли равишда ташкил этиш лозимлиги қайд этилган. Сўнги олти йилда, яъни 2016 йилда – 8.762 нафар, 2017 йилда – 7.991 нафар, 2018 йилда – 7.929 нафар, 2019 йилда – 5.972 нафар, 2020 йилда – 5.389 нафар, 2021 йилда – 4.657 нафар шахсга моддий ёрдам берилганлиги ички ишлар органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ҳамкорликнинг даражасини кўрсатиб беради.

Муаллиф ушбу ҳолатларни ҳамкорлик субъектларининг мажбуриятлари қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб берилмаганлиги билан асослайди. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий назорат остидаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги, 16-моддасида бандлик ва меҳнат муносабатлари органларининг маъмурий назорат остидаги шахсларни ишга жойлаштириш ва касбга ўргатиш борасидаги, 18-моддасида эса, соғлиқни сақлаш органларининг маъмурий назорат остидаги шахсларга ёки уларнинг оила аъзоларига имтиёзли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ваколат ва вазифаларини белгилаш лозим, деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг “**Маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик фаолиятни такомиллаштириш йўллари**” деб номланган учинчи бобда айрим хорижий давлатларда превентив (маъмурий) назорат остидаги шахслар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлаш фаолиятининг бугунги ҳолати ҳамда такомиллаштириш истиқболлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида превентив назорат тизими ўрнатилган бир қатор давлатлар, жумладан АҚШ, Германия, Россия, Беларусь, Молдова, Қозоғистон каби давлатлар қонунчилиги ва амалиётини ўрганиш асосида миллий тизимни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жумладан, АҚШда жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар билан ишлашда асосий эътибор уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилиши, бундай тоифадаги шахсларнинг жамиятга ижтимоийлашувини (ресоциализация) таъминлашга қаратилган бир қатор трейнингларни ўз ичига олувчи “treatment” – “даволаш (тузатиш)” номли алоҳида дастурларнинг қабул қилиниши ва татбиқ этилиши амалиётининг йўлга қўйилганлиги бугунги кунга қадар ўзининг ижобий самарасини бериб келаётганлиги кўрсатилган. Диссертант дастур иштирокчилари томонидан такроран жиноят содир этиш ҳолати 66 фоизга камайганлигини кўрсатган ҳолда ушбу ижобий тажрибанинг миллий тизимга татбиқ этилиши ўз самарасини беришини таъкидлайди.

АҚШ тажрибасига асосланиб, тадқиқотчи мамлакатимизда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоийлашувини таъминлашни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилиши лозим, деган хулосага келган.

Германияда илгари судланган шахслар устидан маъмурий назорат билан боғлиқ барча масалалар адлия органларининг ваколатига киради. Назорат остидаги шахсларга нисбатан маъмурий чекловлар ва бошқа мажбуриятларни белгилаш ваколати эса, судларга берилган. Мазкур чекловлар назорат муддати давомида ёки ундан кам бўлган муддатда ҳам қўлланилиши мумкин.

Германия қонунчилигига асосан назорат остидаги шахсларга 12 турдаги маъмурий чеклов ва мажбуриятлар юклатилиши мумкин. Улар ичида превентив назорат остидаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар асосий ўринни эгаллайди.

Диссертант Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг маъмурий назорат ўрнатиш ва амалга ошириш асосларини белгиловчи қонун ҳужжатларини таҳлил қилиб, миллий қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берган.

Жумладан, Россия Федерацияси қонунчилигида маъмурий назорат муддатини узайтириш асослари нисбатан батафсилроқ баён этилган бўлиб, унга кўра жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари) тайинган шахсларга нисбатан маъмурий назорат муддати узайтирилади. Муаллиф ушбу илғор нормани миллий қонунчилигимизда ҳам инобатга олиш келгусида маъмурий назоратга оид ишларни юритиш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилади деган хулосага келган.

Ишда Беларусь Республикаси ЖК 80-моддасида устидан маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар тоифасини назорат ўрнатиш шартига кўра:

жазони ўташ давридаги ёки ўтаб бўлганидан кейинги хулқ-атвори билан боғлиқ бўлмаган ҳолда маъмурий назорат остига олинадиган;

жазони ўташ давридаги ёки ўтаб бўлганидан кейинги хулқ-атвори билан боғлиқ ҳолда маъмурий назорат остига олинадиган шахслар тоифасига ажратилганлиги назарий жиҳатдан асосли эканлиги қайд этилган ҳолда, мазкур шаклда тоифалаштиришни миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш кераклиги ҳақидаги таклиф асосланган.

Хусусан, биринчи тоифадаги шахслар қаторига ўта хавфли рецидивист деб топилган ва уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма таркибида ўта оғир жиноятларни, шунингдек ЖКнинг алоҳида моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларни киритиш лозимлиги исботлаб берилган.

Молдова Республикасида маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар доираси ўзига хос бўлиб, тадқиқотчи мазкур масалага алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, қонунчиликка кўра жазони ўташ давридаги хулқ-атворидан қатъий назар қуйидаги жиноятларни қасдан содир этган шахслар автоматик тарзда маъмурий назорат остига олинади: а) вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этган шахслар; б) хавфли ва ўта хавфли рецидивист деб топилган шахслар; в) маъмурий назорат остида бўлган вақтда жиноят содир этган шахслар. Шунингдек, назорат остидаги шахсларга нисбатан белгиланадиган маъмурий чекловлар қаторига “оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказилаётган жойларга боришни ва бундай тадбирларда қатнашишни тақиқлаш” киритилган бўлиб, диссертант мазкур илғор нормаларни миллий қонунчилигимизга киритиш лозим деб ҳисоблайди.

